



**БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА
УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАР:
ТИЛ, ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ**

**GLOBAL AND NATIONAL VALUES
ALONG GREAT SILK ROAD:
LANGUAGE, EDUCATION AND CULTURE**

**伟大丝绸之路上的多元价值观与民族价值观：
语言、文化和教育学术研讨会**



**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
САМАРҚАНД - ШАНХАЙ
2019**

**PROCEEDINGS
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE
SAMARQAND - SHANGHAI
2019**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

САМАРҚАНД КОНФУЦИЙ ИНСТИТУТИ

SAMARKAND CONFICIUS INSTITUTE

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА УМУМИНСОНИЙ ВА
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР: ТИЛ, ТАЪЛИМ ВА
МАДАНИЯТ**

**GLOBAL AND NATIONAL VALUES ALONG GREAT
SILK ROAD: LANGUAGE, EDUCATION AND CULTURE**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

Самарқанд, 2019 йил 27-28 сентябрь

**PROCEEDINGS
OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE**

Samarkand, 27-28 september 2019

Самарқанд-Шанхай, 2019
Samarkand-Shanghai, 2019

УЎК 4И (075)
КБК 81.2 (03)
Б 90

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР: ТИЛ, ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. 292 бет.

Тўпламда Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Шанхай чет тиллар университети ҳамкорлигида ўтказилган “Буюк Ипак Йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият” деб номланган халқаро конференцияда иштирок этган таниқли олимлар, ёш тадқиқотчиларнинг маърузалари жамланган. Ундан ўрин олган маърузалар ўзбек, хитой, араб, турк, инглиз ва рус тилларида бўлгани каби, мавзу доираси ҳам анча кенг ва хилма-хилдир. Хусусан, Буюк ипак йўли мамлакатлари тили ва адабиётининг назарий масалалари, таржимашунослик, маданият ва тарих, таълим-тарбия назарияси, хорижий тиллар ўқитиш методикаси, манбашунослик каби соҳаларга оид долзарб масалалар ёритилган.

Тўплам тил ва адабиёт назарияси, таржимашунослик, маданият ва тарих, таълим-тарбия назариялари, тиллар ўқитиш методикаси, манбашунослик соҳаларида илмий изланиш олиб бораётган мутахассислар, тадқиқотчилар ва магистрларга мўлжалланган.

Тахрир ҳайъати

И.М. Тухтасинов (раис),
Ш.С. Ашуров (раис ўринбосари),
Ф.Ш. Рўзиқулов (масъул муҳаррир),
Ш.С. Сафаров (масъул муҳаррир),
С.Н. Бекниязова (масъул муҳаррир),
Занг Ёинг (Конфуций институти директори)
Б.А. Сатторов (масъул котиб)

Editorial board

Tukhtasinov I. M. (chairman),
Ashurov Sh. S. (vice chairman),
Ruziqulov F. Sh. (chief editor),
Safarov Sh. S. (chief editor),
Bekniyazova S. N. (chief editor),
Zang Ying (director of Confucius Institute),
Sattorov B.A. (executive secretary)

ISBN 978-9943-5193-5-0

Тўламдан ўрин олган мақолаларнинг савияси, сифати ва илмий далилларнинг ҳаққонийлиги ҳамда мазмуни учун муаллифлар масъулдирлар.

Литература

1. Асадуллоев Р.Н.. Молодежь в процессах демократизации общественной жизни (на примере Республики Таджикистан), автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук, Душанбе, 2004;
2. Выступление Президента Республики Таджикистан Эмомали Рахмона на встрече с интеллигенцией страны 20.03.2017, город Душанбе.
3. <https://www.centralasia-travel.com/ru/countries/tadjikistan/sights/penjikent>

ТАРЖИМАНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

У.Р.Йўлдошев (ЎзДЖТУ фалсафа доктори)

Прагматика – бу узатилаётган ахборот ёки уни етказиб бериш усулига у ёки бу даражада боғлиқ бўлган, тушуниладиган ва таҳлил қилинадиган объектдир. Манба ахборотни етказиб бериш учун керакли маънога эга (предметли-мантикий ва коннотатив) тил бирликларини танлаб олади ва улар орасида керакли мазмун алоқасини яратиш учун гапда жойлаштириб чиқади. Натижада муайян прагматик потенциалга эга, рецептор учун маълум даражадаги коммуникатив эффектни яратиш имконини берувчи матн пайдо бўлади.

Маълумотни олувчи учун прагматик таъсирни яратиш ҳар қандай мулоқот, шунингдек тиллараро мулоқот учун энг муҳим мақсадлардан ҳисобланади. Таржима матнини яратишда рецептор билан керакли прагматик муносабатларни ўрнатиш учун таржимоннинг мос тил воситаларини танлаш жуда муҳимдир²⁹.

Мулоқот жараёнида тил воситаларини танлаш билан боғлиқ матннинг 4 та асосий прагматик аспектарини кўрсатиш мумкин:

1. Фикрлаш, савол, ундаш ёки истак кўринишидаги матнни яратишга қарор қилиш. Бошқача айтганда, матннинг муайян тил шаклида бўлиши прагматик фактор ҳисобланади;
2. Мулоқот вазияти ва мулоқот иштирокчилари характерини инобатга олган ҳолда матннинг мазмунини танлаш;
3. Тил орқали ифодалаш усули, бошқача сўзлар билан, матн баён қилинадиган тилни танлаш. Одатда матнда кўриб чиқиладиган жамоа учун одатий бўлган тилдан фойдаланилади, лекин унда ностандарт тил шаклларида фойдаланилиши мумкин. Ноодатий тилдан фойдаланилган матнлар алоҳида прагматик аҳамиятга эга бўлади;
4. Ўзида хусусий лингвистик прагматик маъноларга эга бўлган, мазмун режасига кирувчи муайян тил воситаларини танлаб олиш³⁰.

Дастлабки иккита прагматик аспект матннинг актуал сигнификатив маъносида ўз аксини топади, учинчи ва қисман тўртинчи аспект ички лингвистик прагматик маъноларини ташкил қилади. Таржиманинг прагматик аспекти лингвистик прагматик маъноларнинг ичидаги актуал сигнификатив маъно ва актуал маънолардан иборат, мазмуни (функционал аҳамияти) ҳақида маълум қилиш орқали таржиманинг аслига мослигини таъминлашга эришиладиган асл матннинг контекстдаги қисмларини сақлаб қолишдан иборат. Лингвистик прагматик маънолар муайян факторларни ўз ичига олади: тил бирлигининг муайян функционал услубига, муайян стилистик даражага таалуқлилиги, шунингдек унинг мазмунидаги эмоционал, эстетик ва баҳоловчи белиларига. Шундай қилиб, таржимада асл матннинг прагматикасини етказиб бериш ундаги тил белгиларини ташкил қилувчи мазмун режасини тўлиқ бажаришдан иборатдир³¹.

Таржимон, асл матн рецептори ролида таржима жараёнининг биринчи босқичида иштирок этаркан, унда мавжуд маълумотни имкон қадар тўлиқроқ миқдорда олишга ҳаракат қилади. Бунинг учун у бирламчи тил “сохиблари”да бўлган юзаки билимларга эга бўлиши

²⁹ Степанов Ю.С. Семиотика: Антология – М., 2001, с. 5 - 42.

³⁰ Вежицка А. Речевые акты // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика, 1985.

³¹ Месропова О.М. Структурные, прагматические и содержательные аспекты текстотипов «анекдот» и «шутка» на материале Американских текстов, Дис. канд. филол. наук: 10.02.04.- Москва: РГБ, 2002.

лозим. Таржимон функциясини муваффақиятли бажариш чет тилида сўзлашадиган халқнинг тарихи, маданияти, адабиёти, урф-одатлари, замонавий ҳаёти ва бошқа реалаялари билан ҳар томонлама таниш бўлишини назарда тутлади.

Бунинг оқибатида таржимонда етказилиб берилаётган ахборотга шахсий муносабат юзага келади. Тиллараро мулоқотда таржимон тил ташувчиси сифатида асл матн таржимасини бажарганда унинг шахсий муносабати бунга таъсир қилмаслиги керак.

Таржима жараёнининг иккинчи босқичида таржимон таржима рецепторининг бирламчи ахборотни тушунишини таъминлаши лозим.

Таржиманинг прагматик муаммолари асл матн жанрининг ўзига хос хусусиятлари ва таржима мўлжалланган рецептор типини билан бевосита боғлиқдир. Таржимон таржима рецептори асл матн рецепторига кўра кўпроқ бошқа тил жамоасига тегишлилиги, у бошқа билимлар ва ҳаётий тажриба, бошқа маданиятни билишини ҳисобга олади. Кейин, асл матннинг прагматик потенциалини ишлаб чиқиб, таржимон асл матнда гап бораётган соҳада айрим билимларнинг муайян йиғиндисига, осонлик билан керакли ахборотни тушуниш қобилиятига эга таржима рецепторининг маълум гуруҳига эътибор қаратиши керак. Бу каби рецептор–мутахассислар гуруҳига эътибор қаратиш таржимадаги прагматик тушунчаларни сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Бошқача ўйлаб кўрганда, агар таржима юзаки билимлар даражаси аксарият ўқувчиларникига қараганда пастроқ бўлган рецепторлар гуруҳига мўлжалланган бўлса, асл матндаги ахборотнинг нисбатан кўпроқ қисми тушунарсиз ёки нотўғри тушунилиши мумкин ҳамда таржимадаги тушунтириш ва аниқлик киритиш сони ортиб кетади. Агар бу каби тушунмовчиликлар асл ахборотни тўлиқ тушунишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлса, таржимон таржима матнига керакли ўзгартиришларни киритиб, бундай тўсиқларни бартараф этиши керак. Таржима матнида кўзланган ахборотга кўшимча ва тушунтиришлар киритиш учун рецепторга предметли билимлар керак бўлади. Бирламчи тил соҳибини учун факт бўлса ва оғзаки ифодалаш талаб қилинмаса, таржима тили соҳибига ахборотни етказишда бу ҳақда алоҳида эслатиб ўтиш керак. Таржимон таржима қилинаётган матндаги юморни сақлаб қолиши ва адресатга етказиши керак.

Америка юморини таржиама қилишда тил воситаларидан фойдаланишнинг стилистик хусусиятлари жуда муҳим рол ўйнайди:

Инглизчада: 1) The forms of matter familiar to us on the earth and in the heavens are all composed of various combinations of only three types of subatomic particles.

Ўзбекчада: Бизга маълум бўлган ҳам ердаги, ҳам самодаги материянинг шакллари фақатгина учта энг кичик майда заррачалар йиғиндисидан иборат.

Таржима матнида образлилик олиб ташланган, чунки инглиз тилидаги heavens сўзи стилистик бўёқларга эга, ўзбек тилида ҳам у чекланган соҳалардагина ишлатилади.

2) *Инглизчада:* Jacques Chirac was reflecting French dismay at the realization that in the newly-enlarged European Union the French cockerel might no longer rule the roost.

Ўзбекчада: Жак Ширак французлар кенгайтирилган Европа Иттифоқида энди устунлик қила олмаслиги ҳақида ҳадик билан ўйлади.

Ушбу мисолда инглиз тилидаги мисолда анча нейтрал бўлган стилистик бўёқларга эга гапнинг алмаштирилиши содир бўлади. Ўзбек тилига таржимада ўзбек тилидаги публицистик стилнинг ўзига хос хусусиятлари инobatга олинади.

Таржима жараёнида бирламчи матннинг прагматик адаптацияси (содалаштирилиш) амалга оширилади, бошқача қилиб айтганда, асл ва таржима қилинган матннинг қабул қилувчилар ўртасидаги ижтимоий-маданий, психологик ва бошқа фарқларни ҳисобга олиб муайян ўзгартиришлар киритилади. Таржима жараёнида турли маданият ва тил тизимларини қиёслаш юзага келади. Прагматик омилтаржима жараёнини амалга ошириш усулида ҳам, таржимада берилаётган ахборот ҳажмида ҳам энг муҳим омиллардан биридир.

Таржимада прагматик муносабатларнинг 4 та даражасини кўрсатувчи А. Нойберт назариясини маъқуллаш тўғри бўлади:

1. Юксак даражада таржима қилинишлик (илмий-техникавий адабиёт ва бошқалар);
2. Муваффақиятли (бошқа тилли аудитория учун ахборот-тахлилий материал);

3. Чекловлар билан матнни таржима қилиш (бадий адабиёт таржимаси);
4. Таржимада прагматик оригинални қайта яратишнинг деярли мумкин эмаслиги (асл матн махсус тил соҳибларига мўлжалланган ҳолларда)³².

Тўртинчи банд энг муаммоли ҳисобланади. У биз учун қизиқарлироқ. Таржиманг прагматик қийинчиликлари асл матннинг жанр хусусиятлари ва мўлжалланган рецептор турлари билан бевосита боғлиқдир. Асл матннинг прагматик потенциалида таржимонлар фактлар, воқеалар, нохуш ҳолатлар, тарижий фактлар, маънавий қадриятлар, турмуш тарзи, одатлар, урфлар, миллий таомларнинг номлари, кийим-кечаклар ва бошқаларни тасвирлашда қийинчиликларга дуч келади. Бунда таржима рецептори матнни тўғри тушуниши учун прагматик фарқларга ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Таржиманинг прагматик жиҳатдан адекватлигига эришишда тил соҳибларининг алоҳида гуруҳлари нутқидаги фарқларга сабаб бўлувчи социолингвистик факторлар муҳим рол ўйнайди. Бериладиган ахборот таржимасини рецептор томонидан тўлиқ тушунилишини таъминлашдаги мураккаблик асл матнда чет тилидаги умумхалқ нормаларидан чекиниш бўлиши сабабли юзага келиши мумкин. Асл матнда аниқланадиган чет тилининг ҳудудий диалектлари элементлари таржимада берилмайди. Асл матнда бу каби диалект шалларидан фойдаланиш икки ҳил характерга эга бўлиши мумкин. Бир томондан, бутун асл матн чет тилининг қайсидир диалектида ёзилган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда диалект Манба томонидан ишлатиладиган мулоқот воситаси сифатида келиши мумкин ҳамда ундан таржима қилиш ҳар қандай умуммиллий тилдаги каби амалга оширилади. Бошқа томондан, диалект шакллари алоҳида персонажларнинг тил характеристикасини ёритиш мақсадида ишлатилиши мумкин. Бунда таржимада чет тилидаги диалектнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш ҳеч қандай натижа бермайди, чунки таржима рецептори учун идентификация функциясини бажармайди ва фақат маънисиз бўлади. Таржимада ўзбек тилининг қайсидир ҳудудий шеvasи шаклидан фойдаланиш мумкин эмас, чунки улар умуман бошқа одамлардан ўзбеклар гуруҳини идентификация қилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Степанов Ю.С. Семиотика: Антология – М., 2001, с. 5 - 42.
2. Вежбицка А. Речевые акты // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика, 1985.
3. Месропова О.М. Структурные, прагматические и содержательные аспекты текстотипов «анекдот» и «шутка» на материале Американских текстов, Дис. канд. филол. наук: 10.02.04.- Москва: РГБ, 2002.

ПРИЧИНЫ ОБРАЩЕНИЯ СТЕНДАЛЯ К НАПОЛЕОНОВСКОЙ ТЕМЕ

Д.Ф. Тоирова (д.ф.н.)

Annotation: Stendhal selected for himself only what corresponded to his inner attitude. For example, Republican preference led him to respect and apply in his practice the works of S. Sismondi. It is clear that by the time the works of French historians O. Thierry, F. Guizot, F. Mignet appeared, Stendhal had already formed historical and socio – political views, which allowed him to criticize their works.

Key words and expressions: *hometown, philosopher, literature*

6 апреля 1814 года император Наполеон отрёкся от престола. Анри Бейль пал вместе с Наполеоном, как писал он впоследствии в «жизни Анри Брюлара»³³. Вскоре после этого Бейль уезжает в свой любимый Милан, и даже шелохнулся, узнав о том, что Наполеон вернул себе власть. Бывший интендант Великой армии уже разочаровался в своём императоре и не

³² URL:<http://help-edu.com/rechevaya-kommunikacziya/494-semiotika-i-pragmatika-kommunikacij.html>

³³ Стендаль жизнь Анри Брюлара.// Собр.соч.Т.13.С.13.

Б.Одилов Инглиз тилидаги феъл кўшимчаларининг лексик ва грамматик маъно белгилари	90
З.И.Абдуназарова Фразеологический элипсис.....	93
Б.Қурбонов Иронизмлар ва уларнинг рус тилидаги мавқеи хусусида	95
Ж.Темиров Arab tilida tugallangan va tugallanmagan fe'l konstruksiyasi	96
Ш.Ф.Мухтарова Собственно иноязычные термины в составе археологической терминологии	98
Ю.Р.Аззамов Таржимашуносликда лингвистик методларга бир назар	99
Б.Қурбонов Ўрта осие халқлари тилларида арабча сўзларнинг ўзлашиш омиллари.....	101
Ву Аиронг Badiiy asarlarda og'zaki bo'lmagan muloqot vositalarini tarjima qilish to'siqlari	103
Т.С.Исмаилов Пойтахт тушунчасини инглиз тилидаги онгида тақдим этилиши	108
О.С.Туйчиева Аёлларга бағишланган тазкираларнинг текстологик жиҳатлари.....	110
Д.А.Тошпулатов Тижорат терминларининг абстракт отлар суффикслари орқали ясалиши	114
Чен Джие Rus tili harakatning holatini, vaqtini va sodir bo'lish usulini ifodalaydigan so'zlarning ma'nosi, foydalanilishi va tarjimasini.....	115
Б.Бакаева Xitoy tilida morfemali kontraksiyaning “shuzi tongkuo” “son yordamida qisqartirish” usuliga oid qisqartmalarning yasaliş modellarini.....	121
А.Фалеева Разговорная речь и языковые изменение	125

II ШЎЪБА. УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

Т.А.Бушуй Prospects of sociolinguistic research	127
С.И.Исмоилов Субъектга хос шодлик туйғусини ўрганишнинг дискурсив-прагмастилистик имкониятлари.....	130
О.Ғайбуллаев Умуминсоний қадриятлар шаклланишида фалсафий дунёқарашнинг роли.....	133
А.И.Саидов Ўзбек оилаларида миллий қадриятлар асосида соғлом авлодни тарбиялашнинг ижтимоий-психологик масалалари	134
С.М.Рахмонов Темурийлар даврида тасаввуф таълимотиб диний бағрикенглик ва умуминсоний қадриятларуйғунлиги	139
Р.А.Хайдарова, С.Й.Хайдарова Oilada farzand tarbiyasi masalasida milliy qadriyatlarining ahamiyati	141
Н.Б.Халматова Маънавий, маданий меросларимиз орқали ёшлар қалбига миллий қадриятларимизни сингдириш	143
М.Мамадалиев Миллий анъаналарнинг мифологик ва ахлоқий эстетик хусусиятларини шаклланиши	145
Р.Р.Комилов Ўзбек никоҳ маросимларининг асрий анъаналар сифатида миллий маданиятимиздаги аҳамияти	146
Э.С.Шамуратова Қорақалпоқ оиласида ёш авлодни ислом қадриятлари асосида тарбия қилиш самарадорлиги	148
Н.Б.Халматова Соғлом болани шакллантиришда маънавий-марърифий тарбиянинг ўрни	150
Х.Худойбердиева Ёшларда миллатларарототувликни таъминлашда умуминсоний қадриятларнинг эстетик моҳияти.....	152

III ШЎЪБА. БУЮК ИПАК ЙЎЛИ МАМЛАКАТЛАРИДА ТИЛ, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА ТАРИХ МУШТАРАГЛИГИ

Р.Т.Шодиёв Шарқ фалсафасида синергетик методнинг намоён бўлиш хусусиятлари	154
Ш.Вахидов, Г.Шарифова Пенджинт на великом шелковом пути	156
У.Р.Йўлдошев Таржиманинг прагматик хусусиятлари	156
Д.Ф.Тоирова Причины обращения стендаля к наполеоновской теме	160